Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 90 (7. 179) ◎ 1990 йил 20 апрель, жума Баҳоси 3 тийин

Коммунистлар! КПССнинг етакчилик ролини аниқ-равшан ишлар билан тасдиқлангиз! Партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш учун курашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Тошкент шаҳар Совети президиуми мажлисидан

ҲОКИМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

◎ Биринчи март. Ҳа, биринчи март, айнан шу таъриф халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети президиумининг 18 апрель куни бўлиб ўтган мажлисининг бош тассуроти бўлди.

ШАҲАР Совети биринчи марта (ҳар ҳолда сўнгги ўн йилликлар мобайнида) номигагина эмас, чинакам олий ҳокимиятга айланди. Табиийки, биринчи марта унинг президиум сифатидаги органи пайдо бўлди. Қуйида гап борадиган президиум мажлиси ҳам, аввалги ташкилий мажлислардан фарқли ўлароқ, биринчи амалий мажлис бўлди.

Аммо энг муҳими — яқин вақтларгача ижроия комитет ёки шаҳар партия комитети бюросининг мажлисларида муҳокама қилиб келинган масалалар биринчи марта моҳиятига кўра ўз ваколатига кирувчи орган тмонидан кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков ана шу ҳолатни қайд этиб, сўнгра президиум мажлисини ишчанлик маромида олиб борди. Мен эса шу дақиқада ҳозир жуда ҳам муҳим сўзлар айтилди, деб ўйланиб қолдим. Аслини олганда, гап ҳокимиятни халқ депутатлари Советига топшириш ҳақида борарди. Шак-шубҳасиз, шу дақиқада ҳеч қандай автоматик мослама изларни бошқа йўлга ўтказиб қўйгани йўқ, ҳокимиятни топшириш маросими қайд этилмади, гўё ҳеч нарса содир бўлмаганидек. Шундай бўлса ҳам, Тошкент шаҳрининг ҳокимиятни ўз қўлига олиш ҳоҳиши бўлган ва ана шунга қодир хўжайини пайдо бўлганлиги ҳис этилди. Бу умид уйғотади...

Зеро, шуни таъкидлаш керак, ана шу умидни ҳар ҳолда Тошкент шаҳар Совети раисининг сўзлари эмас, президиум мажлиси рўзномасининг муҳокамаси уйғотди.

Тошкентни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш 1990 йил биринчи квартали планининг бажарилиш якунлари мажлисда кўриб чиқилган асосий масалалардан бири бўлди. Айтиш керак, якунлар қувончли эмас, бу ҳақда «Оқшом» рўзномасида ҳам хабар берилганди.

Шаҳарни биринчи кварталда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш планининг бажарилиш якунлари ҳақида президиумга ахборот берган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов, шунингдек мазкур масала район корхоналари, шаҳар хизматлари ва ташкилотларининг қатор раҳбарлари таклиф этилиб, ижроия комитетнинг мажлисида атрофлича кўриб чиқилганлигини ҳам таъкидлади. Уч ойлик иш якунлари пухта ўрганилиб, сабаблар таҳлил этилган, вужудга келган барча муайян вазиятлар аниқланганди. Бунинг натижасида, шаҳар ижроия комитети раисининг ишончи-ришига кўра, ярим йиллик план бажарилади, деб ҳисоблаш учун асос пайдо бўлган. У асосий далил сифатида модий-техника таъминоти билан боғлиқ аҳволни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни мисол қилиб келтирди. Шу ўринда айтиш керакки, айнан кўпгина зарур материаллар, хом ашёлар, комплектловчи буюмларнинг йўқлиги айрим ҳолларда планнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлган. Ваҳоланки, биз бошқариладиган иқтисодиёт ва регионал хўжалик ҳисоби томон бораяпмиз. Агарда ҳозирдан саъй-ҳаракат қилинмаса, ана шу шароитларда аҳвол янада мушкуллашиб кетиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керак, Тошкент шаҳар Совети президиумининг аъзолари ўз диққат-эътиборларини айнан шу масалага қаратдилар. Тугаган квартал якунлари айбдорларининг «таъзирини бериш», «ташкилий хулосалар чиқариш» учун эмас, балки, шаҳарни, унинг иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги жиддий суҳбат учун мавзу бўлди. Жумладан, шаҳар план комиссиясининг раиси Б. Ғ. Йўлдошевнинг жавобидан шу нарса маълум бўлдики, бозор муносабатларига ўтиш бўйича тайёргарлик ишлари ҳали талаб даражасидаги таърифга, зарур маромга эришмади, аниқ вариантлар ҳам йўқ. Ваҳоланки, ҳозир «СССР-да маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик юритишнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул қилиниши билан, маҳаллий Советларга кенг ҳуқуқ ва ваколатлар бериб қўйилган. Шаҳар ҳаёти билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этишга ташаббус кўрсатиб, омилкорона ва пухта ёндошиш бугунги кунда айниқса муҳимдир.

Шунинг учун Ҳамза район ижроия комитетининг раиси В. П. Плотников, Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқармаси бошлиғи К. Н. Тўлаганов, шаҳар уй-жой бошқармаси бошлиғи В. М. Ким, Тошкент шаҳар Советң президиумининг аъзоси — педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори К. Ф. Фозилхўжаев, «Алгоритм» заводи директори А. С. Маҳмудов, Тошкент метрополитени бошлиғи А. Миржалилов, Тошкент синов лойиҳалари зонал илмий-тадқиқот институти директори Ҳ. А. Асомов, Тошкент шаҳар Совети раиси А. И. Фозилбековнинг нутқларида янги шароитларда хўжалик юритишнинг яхлит қоидаларини ишлаб чиқишга, асосий туб масалаларнинг ечимини изланишга урғу берилди.

Масалан, шаҳар бюджетини молия билан таъминлаш, шакллантиришнинг манбалари, бозор иқтисодиёти шароитларида нарх-навони назорат қилиш имкониятлари (зеро, бу масала сиёсий аҳамиятга ҳам эга) аниқланди, жойларда ҳокимиятни амалга оширши системасини ишлаб чиқишга мутахассислар, олимларнинг кенг доирасини жалб этиш зарурлиги ҳақида гапирилди.

Президиумнинг дарҳол аниқ йўналиш олганлиги: чакана муаммолар ҳал этилмай, стратегияни ишлаб чиқишга киришилганлиги, яъни Олий Советдаги каби қонунларни ижод қилиш даражасида муҳокама олиб борилганлиги диққатга сазовордир. Аслини олганда, шаҳар Совети президиуми ва доимий комиссиялари ана шу вазифаларни шаҳар кўламида амалга оширишга даъват этилганлар. Уларнинг бу вазифаларини қандай уддалашини вақт кўрсатади.

Нима бўлса ҳам президиумнинг бу мажлиси амалий руҳда ўтди. Кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Депутатлар ўқувчини ташкил этиш, Тошкент шаҳар Совети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг иш тартиби лойиҳалари, Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари ҳақидаги мувақкат низом, Советнинг 1990 йилги иш плани каби муҳим масалалар шулар жумласидандир.

Албатта, Тошкент шаҳар Советининг депутатларига ва унинг президиуми аъзоларига ўз зиммаларига сайловчилар юклаган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳали кўп нарсани ўқиб-ўрганишга тўғри келади. Бу вазифа — халқ ҳокимияти бўлиш вазифаси жуда шарафли. Улар иложи борича тезроқ ана шу ҳокимиятни қўлга киритишлари керак.

Л. ПАРПИЕВА.

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига

Ҳамма учун азиз

◎ В. И. Ленининг кўп қиррали ва жўшқин ҳаёти ҳамда инқилобий фаолияти ҳар бир совет кишиси учун бениҳоя қадрли ва азиздир. Улуғ доҳиймиз таваллудининг 120 йиллиги арафасида бир гуруҳ тошкентликлар билан суҳбатимизда ҳам бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— **Гулнора Холмуҳамедова.** — Октябрь районидаги 254-мактабнинг рус тили ўқитувчисиман. Бу ерга келишимиздан асосий мақсад, болаларни доҳий ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништиришдир. Қолаверса, тез кунда мактаб ўқув тартиби бўйича 5-синфлар Ленин дарсларини ўта бошлашади. Бу, ўқувчилар дарсликни мукаммал ўзлаштиришларига катта ёрдам беради...

Айланишда давом этаман. 20 га яқин ўқувчи музей ходимаси Сурайё Ўлжабоева ҳамроҳлигида Ленининг болалик даври билан танишяпти. С. Ўлжабоева доҳий ҳақида мароқ билан ҳикоя қиларди. Толиби илмлар унинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглашади. Ҳар бир эсдаликни қизиқиб томоша қилаётган ўқувчининг ёнига бораман. У ўз таассуротларини ҳикоя қилади.

— **Муродилло Қаюмов.** — 5-«А» синфда ўқийман.

— **Қани Муродилло, айтчи, Ленин ҳақида нималарни билиб олдинг?**

— Кўп нарсани. Унинг болаликдаги даврига ҳавасим келади. Айниқса, унинг катталарни ҳурмат, кичиқларни иззат қилиши, хушмуомалалиги ёқди. Мен ҳам худди шундай инсон бўлиб вояга етишга ҳаракат қиламан...

Суратлар, суратлар... Тарихнинг унсиз гувоҳлари. Улар жуда кўп воқеалар ҳақида ҳикоя қиларди. Музей ҳақида кенгроқ маълумот олиш ниятида экскурсия бюросининг мудираси Фотима Мирраҳимбоевага мурожаат этаман.

— Музейимиз айниқса апрель ойида жуда гавжум бўлади, — дейди Фотима опа. — Кунига 1000 ва ундан ортиқ меҳмонларни қабул қиламиз. Айниқса, Самарқанд областидан кўп одам ташриф буюради.

— Бизда 12 та лектор, экскурсовод бўлиб, шулардан тенг ярми ўзбек тилида хизмат қилишади. Ҳар бир ходимимиз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда иш юритади. Бу ерга ҳамюртларимиз билан бир қаторда, Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан, шунингдек, чет эллик меҳмонлар ҳам тез-тез ташриф буюришади. Пастда диафильм намойиш этадиган зал бор. Уларда Ленин ҳаёти ва инқилобий фаолияти акс эттирилган лаҳзалар кўрсатилади.

— **Мана, Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиали ташкил этилганига ҳам 20 йил бўлибди. Шу муносабат билан яна қандай ишларни амалга оширяпсизлар?**

— Музейимиз ана шу 20 йил давомида 120 мамлакатдан келган 10 миллионга яқин кишини қабул қилди. Яқинда 10 миллионинчи меҳмонни кутиб олиш тараддудидамиз. Ходимларимиздан Г. Эргашхўжаева, С. Комиловлар музей ишга тушган кундан бошлаб меҳнат қилишади. Менинг ҳам бу ердаги меҳнат фаолиятим уларники билан баробар. Бундан ғоят фахрланаман. Яқинда музейимизнинг санаси нишонланади. Ўша куни турли оммавий ва сиёсий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилади. Жумладан, Ленин ҳайкали пойида октябрятлар пионер сафига қабул қилинади.

Ягона мақсадимиз бу даргоҳга келувчиларни В. И. Ленининг ғоявий-назарий мероси, ғоялари, ҳаёти ва фаолияти билан чуқур таништиришдир. Ва ёшларнинг сиёсий эътиқодини шакллантириш ва ленинча таълимотнинг қанчалик ҳаётий ва муҳимлигини уларнинг онгига етказишдир.

О. ЮНУСОВ.

◎ В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган бошқа мақолаларни рўзномамизнинг 2 ва 3-саҳифаларида ўқийсиз.



◎ В. И. ЛЕНИН. Москва. 1920 йилнинг февраль ойи. Кинодан олинган. ТАСС сурати.

Эртага—касаба уюшмаси шанбалиги

МЕҲНАТ БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

◎ ДОҲИИМИЗ В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги шарафига эртага ўтказиладиган шанбаликка Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи жамоаси ҳамма нарсани шай қилиб қўйди.

— Шанбалик куни ўтказиладиган барча тадбирлар икир-чикиригача муфассал ишлаб чиқилди, — дейди шанбалик ўтказиш штабининг бошлиғи Аркадий Иванович Ткаленко. — Мен завод бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосариман. Бинобарин шанбаликка тайёргарлик бўйича энг сўнгги ишлар олиб борилмоқда. Шунга қараб бемалол айтиш мумкинки, шанбалик корхонамизда ҳақиқий меҳнат байрамига айланади. Ҳар йили шанбаликни мана шундай кўтаринки руҳда ўтказиш бизда яхши анъана бўлиб қолган.

Корхонада эртага бўладиган шанбаликда 2 мингга яқин киши қатнашиши кутилмоқда.

Ҳ. АБРОРОВ.

◎ СЕРГЕЛИДАГИ «Комфорт» ошхона ва бошқа мебеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси эртага тежалган хом ашё ҳисобига ишлашади. Шу куни 4 та янги ошхона мебели термаси, 36 китоб жавони ва қатор истеъмол буюмлар тайёрланади.

◎ Пойтахтимизнинг кенжа Бектемир райони корхоналари ҳам меҳнат байрамига қизғин тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда. Жумладан «Мотор» заводида тежалган маҳсулотлар ҳисобига 12 та янги мотор тайёрланади. 16 минг килограмм металл парчаси йиғилади. Ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

◎ 2-УИСОЗЛИК комбинати бинокорлари 1,5 баробар кўп иш бажаришга аҳд қилишди, улар тежалган маҳсулотлар ҳисобига ишлашади. 3 та 9 қаватли 108 хонадонли турар-жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилади. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми 29-болалар уйига берилади.

Д. ОБЛАЕВ.

◎ ФРУНЗЕ районида жойлашган «Манғит» ширкати жамоаси Бутуниттифоқ шанбалигида ишлаб топилган маблағни Киров район уй-жой ижтимоий банкидаги 001700403-ҳисобига, яъни Оролни қутқариш жамғармасига ўтказишга аҳд қилди.

— Биз шанбалик куни, — деди ширкат бошлиғи Ҳўжабой Асқаров, — Орол бўйида яшаётган халқ дардига, гарчи заррача бўлса ҳам дармон бўлсак, дейимиз. Шунинг учун шанбалик куни фақат Орол учун ишлашга қарор қилдик. Бу хайрли ишда жамоа фаол қатнашади.

Дарвоқе, «Манғит» ширкати жамоасининг бу хайрли ташаббусини Чилонзор районидаги «Зарафшон», Куйбишев районидаги «Гарантия», шунингдек Фрунзе районидаги «Ударник» ва «Армон» ширкатлари жамоалари ҳам қўллаб-қувватлашди. Уларнинг ҳар қайсиси Орол жамғармасига 1-1,5 минг сўмдан маблағ ўтказишади.

И. САЪДУЛЛАЕВ.

◎ АКМАЛ ИКРОМОВ районидаги Ҳамза номли маҳалла аҳолиси **В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги шарафига ўтказиладиган шанбаликка пухта тараддуд кўрмоқда.** Улар куни кеча ҳашар уюштиришди. Унда Улуғ Ватан урушида қатнашиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнига 70 туп мевали кўчат, 210 туп гул кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари Ваққос ота қабристони атрофлари тозаланиб, 110 туп мевали кўчатлар ўтказилди. Ҳашарда маҳалла аҳолисидан Воҳиддин ака Насриддинов, Фахриддин Маъруфов, Тўлқин Азимов, Лутфи опа Халиловалар айниқса жонбозлик кўрсатдилар.

Кейинги дам олиш кунида ҳашар яна давом этади. Бунда маҳалла кўчаларидаги ариқлар тозаланиб, мавжуд дарахтлар таги юмшатилади.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

◎ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАГИ бир қанча корхона, олий ўқув юртлари, завод, фабрика ва муассасалар қатори Тошкент технология техникуми талабалари ҳам **«Қизил шанбалик»да «Шарқ юлдузи» маҳалласида ободонлаштириш ишларида қатнашадилар.** Улар маҳалла кўчаларидаги ариқларни тозалаб, мевали кўчатлар ўтказадилар, шунингдек техникум атрофлари ҳам ҳар хил чиқиндилардан тозаланади.

— 21 апрелдаги шанбаликда 782 ўқувчи қатнашади, шу куни техникум ётоқхонаси тўла-тўкис тозаланиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилади, — дейди техникум директори С. Алиев. — Абдалин, Красновосточный кўчалари, 1,2-Қорасув даҳаси территориялари тозаланади. Шу куни техникумнинг 50 га яқин талабалари 2-дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати ва 2-нон заводи ишчиларига кўмаклашадилар.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Куйбишев район партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани муҳокама қилди.

А. Қ. Нуъмонов область партия комитети ижтимоий-иқтисодий бўлимининг мудири қилиб тасдиқланганлиги муносабати билан у район партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Илгари шу халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ш. Т. Нусратов район партия комитетининг биринчи котиби қилиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков қатнашди ва нутқ сўзлади.

ОКТЯБРЬ РАЙОН СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Октябрь район Советининг кеча бўлиб ўтган сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Х. М. Усмонова Ўзбекистон ССР Олий Советининг соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан у район Совети ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Сессия Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Р. Ф. Хўжаевни Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқлади.

Сессия ишида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов қатнашди.

«БОЛАЛАР—БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

◎ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРУЮШМАСИ ВА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СОВЕТ БОЛАЛАР ФОНДИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ КЎЧАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ФОТОКЎРГАЗМА АНА ШУНДАЙ ДЕБ НОМЛАНАДИ.

Кўргазмадан жумҳуриятимиздаги суратчиларнинг болалар билан боғлиқ икки юзга яқин ранг-баранг суратлари ўрин олган.

Фарзандларимизни оталар жасорати руҳида тарбиялашда ўқитувчиларнинг тутган ўрни катта, албатта. Суратқаш Равиль Шамситдиновнинг ана шу мавзуга бағишлаб олган лавҳаси жуда жозибали чиққан.

Нўъмон Муҳаммаджонсвнинг «Биринчи қадам», Анатолий Горокрикнинг «Наврўз», Николай Ключковнинг «Тушки овқат» каби суратлари, Алишер Рисқиев, Эдуард Пенсон, Равиль Альбеков, Рустам Шарипов, Александр Абалянларнинг олган суратлари ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, Сергей Михайловнинг шаҳримиздаги 22-болалар уйидан олган, ўз онасини дераза ойнасидан мўлтираб кутиб турган болакай ҳақидаги сурати, ичкиликбозлик, нашавандлик оқибатида мажруҳ туғилаётган болалар қисмати ҳақида олинган суратлар кишини лоқайд қолдирмайди.

Суратқаш Геннадий Графкиннинг уч фарзандини бағрига босиб, аёли билан туғруқхона олдида машина томон юриб келаётган бахтиёр ота ҳақида олган сурати ҳам кишини бенихтиёр ўзига тортади.

Р. НУРИЛЛАЕВ.





◎ СУРАТЛАРДА: кўргазмада; Н. Ўтарбековнинг «Ниначи» сурат лавҳасидан репродукция.

Р. Шарипов суратлари.

САЙЛОВЛАР ЯКУНИ

15 апрель куни Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва Тошкент шаҳар Совети депутатлигига қайта сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг хабарларига кўра қайта сайловлар бўлиб ўтган икки округдан

73-НАРИМАНОВ САЙЛОВ ОКРУГИДАН

КПСС Марказий Комитетининг рўзномаси — «Советская культура»нинг ўз мухбири, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси Вилор (Омонулла) Раҳматуллаевич **Нишматов** Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланди.

49-Жуковский сайлов округидан номзоди қўйилган олти номзоддан бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдордаги овозларни ололмади ва у ерда шу йилнинг 22 апрелида қайта сайлов ўтказилади.

Тошкент шаҳар Совети депутатлигига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг хабарларига кўра 15 апрель куни 21 та сайлов округида қайта сайловлар бўлиб ўтди. Қуйидагилар Тошкент шаҳар Совети депутати этиб сайландилар:

18-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Эргашев Йўлдош — Акмал Икромов район халқ таълими бўлимининг мудири, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

20-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Обилов Саттор Аҳмедович — Акмал Икромов район турар жой ижтимоий банки ва жамғарма банкининг бошқарувчиси, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

66-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Нажмитдинов Фазлиддин Насриддинович — Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси, 1938 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

75-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Содиқова Саида Юсуповна — Куйбишев район партия комитетининг иккинчи секретари, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

85-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Садритдинов Маслаутдин Камолович — 9-стоматология поликлиникасининг бош врачи, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

124-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Дўстбобоев Толмас Ботирович — «Таштрансспецстрой» трестининг бош инженери, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

168-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Ражабов Ўткур Аҳорович — 12-автобус паркининг директори, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

169-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Азимова Мукаррамхон Аҳадовна — «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, бирлашма партия комитетининг секретари, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

170-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Хўжаев Рустам Фахмутдинович — Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари, 1954 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

189-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Галкина Зоя Андреевна — Фрунзе район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1943 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

190-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Маннопов Николай Ваҳобович — Фрунзе район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

233-САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Зимин Владимир Михайлович — «Узгипросельстрой» институти бўлимининг бошлиғи, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Тошкент шаҳар Совети депутатлигига сайловлар ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг шу йил 17 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида шу нарса таъкидландики, 20 та округ бўйича ўтказилган сайловларда қоида бузилмади, у Ўзбекистон ССР-нинг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тарзда ўтказилди ва улар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Совети депутати этиб сайланиш учун бирорта ҳам номзод керакли миқдордаги овозни ололмаган саккиз сайлов округи бўйича шу йилнинг 22 апрель куни қайта сайлов ўтказилади.

Ўзбекистон ССР сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг 54-моддасига мувофиқ овоз беришда ялпи сайловчиларнинг 50 фоизидан кам қатнашган 19-сайлов округи бўйича қайта сайловлар шу йилнинг 3 июнь куни ўтказилади.



●Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, доҳиймиз В. И. Ленин ҳақида унн энг яқиндан билган кишилар — синглиси Мария Ильинична Ульянова, умр йўлдоши, партия ва давлатнинг атоқли арбоби Надежда Константиновна Крупская ва доҳий билан кўп мулоқотда бўлган атоқли ёзувчи Максим Горький бизга ажойиб, нодир мерос қолдиришган: улар Ленининг буюк инсон эканлигини, унинг бой маънавий қиёфасини келгуси авлодларга тўла-тўкис етказишга интилганлар. Қуйида уларнинг эсдаликларидан айрим лавҳалар келтирмоқдамиз.

● Ильич билан суҳбатлашган киши бутунлай бошқача бўлиб қоларди, шунинг учун ҳам Ильични ўртоқлари севишарди, ўзи эса улар билан муомала қилиб, шунчалик кўп нарса олардики, бунга камдан-кам киши муяссар бўлар эди. Ҳаётдан, кишилардан ҳар ким ҳам сабоқ олавермайди. Ильич улардан сабоқ ола биларди. У ҳеч кимга муғомбирлик қилмас, устомонлик қилмас, ҳеч кимни алдамас эди, кишилар ҳам унинг самимийлигини, тўғри сўзлигини сезар эдилар.

● Вафотидан икки кун олдин мен унга Жек Лондоннинг «Ҳаётга муҳаббат» деган ҳикоясини ўқиб берган эдим. Бу ҳикоя ҳали ҳам унинг хонасидаги стол устида ётипти. Жуда ҳам яхши асар. Бу ҳикояда одам оёғи тегмаган, қор босиб ётган чўлдан очидан ўлай деб турган касал киши катта дарё ёқасидаги пристанга қараб борганлиги тасвирланади. У борган сари кучдан қолади, у юрмайди, балки судралади, у билан ёнма-ён эса очидан ўлай деган бўри судралиб бормоқда, улар ўртасида кураш кетяпти, инсон ғалаба қилади, у нимжон, ақлдан озай деган ҳолатда маррага етиб боради. Бу ҳикоя Ильичга жуда ҳам ёқиб тушди. Эртаси куни Лондоннинг бошқа ҳикояларини ҳам ўқиб беришни сўради.

● Ленин оммага маҳорат билан ёндошиш учун оммани ўрганиш зарурлигини доимо таъкидлар эди. Унинг ўзи оммани тинмай ўрганар, омма гапига қулоқ сола билар, омма нима ҳақда гапираётганини тушуна билар, ишчи, деҳқон айтмоқчи бўлган гапнинг моҳиятини англаб ола билар эди.

Н. К. КРУПСКАЯ.

БУЮК ВА КАМТАР

● Акамизнинг ўлими — Александр III га суиқасд қилинганлиги учун дорга осиб ўлдирилганлиги Владимир Ильичга қаттиқ таъсир қилди. Эҳтимол Владимир Ильичнинг бутун ҳаётини, унинг бутун фаолиятини фарқлантириб турадиган энг характерли хислат унда худди шундан кейин пайдо бўла бошлаган бўлса керак. Бу хислат унинг маълум мақсадга интилиши эди. У йигитлик чоғида революцион ишни ҳаётининг мақсади қилиб қўйиб, оғишмай шу мақсад сари интилди, ҳаётида бу мақсадга ҳеч хиёнат қилмади, бу мақсаддан бир қадам ҳам чекинмади.

● Владимир Ильичнинг яна бир-икки хусусияти тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. У бетоблиги сабабли врачлар унинг ишини мумкин қадар чеклашга ҳаракат қилар эдилар, биз бўлсак уни камроқ ишлаши кераклигига кўндирмоқчи бўлар эдик. Бир кун у менинг шундай панднасиҳатларимга жавобан: «Менда ишдан бошқа ҳеч нарса йўқ», — деб жавоб берган эди.

● Владимир Ильичда оммага нисбатан қандайдир алоҳида сезгирлик, унга интилиш бор эди, омма билан доимий алоқа қилиб турар эди.

● У гениал ақл эгаси бўлиб, ишчи ва деҳқонларнинг энг эзгу ниятларини ҳам, билимларнинг энг юксак чўққиларини ҳам биларди. Владимир Ильич навбатдаги ҳар бир проблемани ҳал этишда пухта фикр юритар, ҳар бир қадамни тажрибада ва айрим кишилар билан, кўпинча оддий ходимлар билан шахсий суҳбатда текшириб кўрар эди. У ҳар бир тадбирни кенг халқ оммасига тушунтиришга, ҳукуматнинг бирон-бир қонуни ёки фармойишига оддий ишчи ва деҳқонлар қандай қараганликларига алоҳида аҳамият берар эди.

● Владимир Ильичга суиқасд қилинганидан кейин ўртоқлар ундан хавотирланиб, уни кўриқлаб юрадиган ва унинг Москва кўчаларида ёлғиз юришига қаршилик қиладиган бўлганларида, бу нарса уни жуда қийнаган эди, шунинг учун у кўпинча кўчаларда юриш, ҳаёт билан яқинроқдан танишиш учун муҳофазачиларга билдирмай чиқиб кетарди.

М. И. УЛЬЯНОВА.

● Тепа сочи тўкилган, чучук тил, тўладан келган, бақувват бу киши эса бир қўли билан ўзининг Суқрот пешонасидай пешонасини ишқалаб, иккинчи қўли билан менинг қўлимни силтаб, ажойиб тийрак кўзларини меҳрибонона йилтиратиб, дарҳол «Она» китобининг камчиликлари ҳақида гапира кетди. Бу китобни у қўлёзмалик ҳолида И. П. Ладижниковдан олиб ўқиб чиққан экан. Мен китобни шошилиб ёзганимни айтдим, лекин — нима учун шошилганимни айтмасимданоқ — Ленин, маъқуллаб бош иргаб, нима учун шошилганимни ўзи айтиб қўя қолди: шошилганингиз жуда яхши бўлибди, бу — жуда зарур китоб, кўп ишчилар революцион ҳаракатда онгсиз суратда, стихияли равишда қатнашиб келаётган эдилар, энди эса улар «Она»ни ўқиб, катта манфаат кўрадилар.

● Ленин узоқ истиқболни кўрар, 1919-21 йилларда кишилар ҳақида фикр юритар, гапирар экан, у кишиларнинг бир қанча йиллардан сўнг қандай бўлишларини кўпинча олдиндан хатосиз айтиб берар эди.

● Ленининг душманларим деб ҳисобланган кишиларига ҳам ёрдам беришга тайёр туриши, тайёр туришгина эмас, ҳатто уларнинг келажаги тўғрисида қайғуриши ҳам мени кўпинча жуда ажаблантирар эди.

● Камсуқум, ичмайдиган, чекмайдиган, эртадан кечгача мураккаб, оғир иш билан банд бўлган бу одам ўзи тўғрисида қайғуришни мутлақо билмас эди, аммо ўртоқларининг ҳаётини зийраклик билан кузатиб борарди.

М. ГОРЬКИЙ.

ИНҚИЛОБГА БАХШИДА УМР

⊙ В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси томонидан маъқулланган Мафкура комиссияси таклифларида В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти бугун ҳам улуғ мақсадга хизмат қилиш намунаси бўлиб қолаётганлиги айтилган.

ҲАҚИҚАТАН ҳам мафкура иши тажрибаси, матбуотда, йиғилишларда билдирилаётган фикрлар, кўп йиллик кузатишлар бу намуна кучининг аҳамияти ошиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Ёшларнинг ғоявий-маънавий баркамол тарбия олишига, ҳаёти ва фаолиятини пролетариат ишига хизмат қилишига бағишлаган В. И. Ленин намуна бўлиб қолмоқда. Улар В. И. Лениндан аввало коммунистик эътиқодга садоқат қирраларини ўрганадилар. Ундаги чуқур партиявий эътиқод, жасорат ва букилмас ирода ҳозирги кунимизда ҳар бир йигит-қизга ўрнак бўлиши табиий.

Улуғ Ватан уруши давридаги машҳур саркардалардан бири, Ватанимизнинг содиқ фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Николай Кузнецовга турли саволлар бериб, кимга тақлид қиласиз деб сўрашибди. Николай Герасимович мулойимгина, лекин ишонарли қилиб, «Мен ҳеч қачон ҳеч кимга тақлид қилишни хоҳламаганман ва сизга ҳам шуни тавсия этмайман. Агар қимдандир намуна олиш керак бўлса Лениндан оламан», деган экан.

Бу борада кўп йиллардан буён иш олиб бораётган олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедралари, қатор камчиликлар билан бирга янада такомиллаштириш зарур бўлган ибратли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Кўпчилик ўқитувчи ва талабалар Тошкент Давлат дорилфунунининг маданият саройида ўтказилган уч авлод учрашувини узоқ вақт ёдда сақласалар керак. Айни ўша кечада В. И. Ленининг укаси Дмитрий Ильичнинг қизи О. Д. Ульянова ва ВЛКСМ III съезднинг делегати Л. И. Шушпанова ҳам иштирок этган эди. Худди шундай тадбирлар Туркистонда Совет ҳокимиятини барпо этишда қатнашган инқилоб ва партия ветеранлари билан ҳам бўлиб турар эди.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ҳам катта улуш қўшиб келмоқда. Йигирма йиллик фаолияти давомида (музей 1970 йил 17 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарори билан очилган) турли мафкуравий тадбирлар ўтказишда шаҳар партия комитетининг яқин маслакдоши бўлиб келди. Бу ерни том маънода Ўзбекистоннинг йирик мафкура маскани деб аташади. Ўтган давр мобайнида музейга 10 миллионга яқин киши ташриф буюрди. Музейнинг мавжуд 20 та залида ҳозир 4 мингга яқин экспонат жой олган. Кейинги пайтларда музей залари Г. Е. Зиновьев, Л. Б. Каменев, Г. И. Сокольников, Н. И. Бухарин, А. И. Риков сингари Ленин сафдошлари суратлари билан бойиди. Бундан ташқари шахсга сиғиниш йилларида ноҳақ жазоланган Ўзбекистон Коммунистик партияси йирик партия ходимларининг ҳам суратлари қўйилган.

Тошкент шаҳрининг кўпчилик олий ўқув юртларининг КПСС тарихи кафедралари ўқув-тарбиявий ишларни олиб бориш жараёнида В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига оид бой фактлардан фойдаланмоқда. Музейдаги машғулотлар педагогнинг маҳоратига қараб, тарихий фотоҳужжатлар, диаграммалар ҳамда В. И. Ленин ва унинг сафдошлари овози ёзилган граммофон ликопчаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилмоқда. Бундан 70 йил муқаддам Кремлнинг Митрофонев залида В. И. Ленининг «III Коммунистик интернационал» ва «Қизил Армияга мурожаат» каби биринчи нутқлари ёзилган эди. Мазкур ликопча минглаб нусхаларда тарқалди. Уни қизил аскарлар жанг олдидан, деҳқонлар ўз йиғилишларида, клубларда, ишчи ётоқхоналарида қулоқ тутиб эшитарди.

1919 йилдан то 1921 йилгача В. И. Ленининг 16 та нутқи ёзилган.

В. И. Ленин ва унинг сафдошлари — А. В. Луначарский, Н. В. Крыленко, А. Коллонтай, Н. К. Крупская, Н. В. Подвойскийлар овозини тинглаган талабалар ўша йиллар қурашини янада чуқурроқ англаб етадилар.

Ижтимоий фанларни, жумладан КПСС тарихини ўқитишда машғулотлардан сўнг ташкил этилаётган маданий-оқартув тадбирлар билан бирга ёшларнинг маънавий жиҳатдан етук кишилар бўлиб етишишида ҳужжатли, бадиий фильмларнинг роли каттадир. Айниқса марказий студияларда, жумҳуриятларимизда яратилган инқилобий руҳдаги бадиий фильмлардаги Ленин ва бошқа жасур инқилобчилар образи совет кишилари қалбида чуқур из қолдирган. Лекин бу фильмларни кўрсатиш жараёнида лектор воқеаларни ҳар томонлама ёритиш мақсадида ҳозирги замон фани ва санъат ютуқлари билан имкони борича кенг боғлаб бориш мақсадга мувофиқдир.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида пойтахт ўқув юртларининг муаллимлари, музей лекторлари, ёшларга Коммунистик партия ва совет жамияти тарихини ўрганишда «Барҳаёт Ленин», «Ленин», «Октябрь арафасида», «Ленин — Октябрь доҳийси», «Ленин 1917 йилда», «Ленин граждандлар уруши йилларида», «Ленин — СССР асосчиси», «Ленин ва Туркистон» ҳамда «Акмал Икромов» ва «Файзулла Хўжаев» каби ҳужжатли кинофильмлардан кенг фойдаланадилар. Бу фильмлар қаторига яна «Центрнаучфильм» томонидан тайёрланган «Ленинни эслаб» ҳужжатли фильмини ҳам қўшиш мумкин. Ундаги кўпгина лавҳалар илк маротаба кўрсатилаётган бўлиб, доҳий тўғрисидаги тасаввуримизни янада бойитади.

Олий ўқув юртларининг КПСС тарихи кафедралари музей ходимлари билан ҳамкорликда қизиқарли лекторийлар ва ленинома мавзуидаги кинолекторийлар ташкил қилишда ҳам қимматли тажриба тўплаган. (Афсуски бу тажриба ҳали кенг ёйилмаяпти). Музей ва кино залларда ўқилаётган муаммоли лекциялар ўқув юртларининг талаба ва тингловчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса ленинчи партиянинг босиб ўтган тарихий йўлини чуқурроқ ва теран англашга даъват этади.

Талабаларнинг мустақил ишларини ўрганинг ва ўқитувчилар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб тингловчилар бу билимларни иш фаолиятида зарур дастур сифатида қўлламоқдалар. Жумладан, талабалар, тингловчилар ўз педагог ўқитувчилари раҳбарлигида маъруза ва рефератлар тайёрлашмоқда, давра суҳбатларида қатнашишмоқда.

КПСС тарихи курсининг қатор мавзулари бевосита В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уни яна ҳам чуқурроқ билишда роль ўйнайди. Масалан, Улуғ Октябрь инқилоби мавзусидаги машғулотларда ўқитувчи уни В. И. Ленин фаолияти билан шу қадар кенг ифодалаб кетадики, талаба кўз ўнгида доҳийнинг жасоратга бой ёркин сиймоси тўла гавдаланади.

В. И. Ленининг 1917 йил июль ойида «Кўк дафтар»ни нашр этиш муносабати билан Л. Б. Каменевга ёзган хатидаги «... агар мени отиб қўйсалар, «Марксизм давлат тўғрисида» деган дафтаримни нашр этишни Сиздан илтимос қиламан...» каби сатрлари ҳозиргача алоҳида аҳамият касб этади. (В. И. Ленин 1917 йилнинг апрелида Швейцариядан Россияга қайтаётганида бошқа материаллар билан бирга «Марксизм давлат тўғрисида» деган қўлёзмасини ҳам сақлаш учун чет элда қолдирган эди. Шу вақтда Ленининг ҳаёти хавф остида бўлишига қарамасдан, у ўзи тўғрисида ўйламайди).

Музейларда, ўқув юртларида ва муассасаларда Ленининг ҳаёти ва фаолиятига доир тадбирлар турли хил усулларда олиб борилмоқда. В. И. Ленин асарлари ва у ҳақидаги адабиётлар анъанавий усуллардандир. Улар, масалан «Инқилобга бахшида умр», «Инқилоб фидойилари ҳамиша барҳаёт», «Ўлмас Ленин номи», «Партининг ўткир қуроли», «В. И. Ленин ошкоралик ва демократия ҳақида» ва «Совет турмуш тарзи» каби кўргазмалардан иборат. Бундай кўргазмалар асосан кутубхона залларидан кенг жой олмоқда. Кутубхоналарда ташкил этилаётган ҳар бир кўргазмада В. И. Ленининг фаолияти ҳақида тўла маълумот берилибгина қолмай, съезд, конференция ва Пленум материалларини ичига олган партиявий ҳужжатлар асосий ўринни эгаллайди.

Ҳ. ДОВИДОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

БОЛАЛАРГА ЁРДАМ УЧУН

⊙ Тошкентлик машинасозлар шанбаликда тушган пулни мактабгача тарбия муассасаларини ривожлантиришга сарфлашмоқчи. «Ташсельмаш» заводи ўз оталиғидаги тўртта болалар комбинатига шундай ёрдам беради. Бундан ташқари маблағнинг бир қисми шаҳарнинг Ҳамза райони ҳисобига ўтказилади. Қарийб олти минг кишилик корхона коллективи 21 апрелни зарбдор меҳнат билан нишонлайди. «Ташсельмаш» коллективи шу куни 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

(ЎзТАГ).



ЎЗИ БИР ЖАҲОН

— Ленин ўлкангизда бўлганми? — дея сўрайди шаҳримизда зиёратда бўлган Швейцария-СССР дўстлиги жамиятининг президенти Арманд Форель.

— Йўқ, лекин унинг назари тушган.

ДАРҲАҚИҚАТ, В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятида Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири қандай ўрин тутганлигини тўла тасаввур қилмоқ учун биз унинг илк асарларига мурожаат қиламиз ва доҳийнинг ўзбек халқига бўлган диққат-эътибори ва меҳр-иришталари узоқ ўтмишга бориб тақалашининг гувоҳи бўламиз. В. И. Ленин ўсмирлик пайтларидаёқ Ўрта Осиё меҳнаткашларининг тарихий тақдирига кўп аҳамият бера бошлаган эди. У 24 ёшида чор ҳокимиятининг зах турма камерасида мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик ҳаракати умумий муаммоларини ишлаб чиқар экан, улардан ҳар бирининг, жумладан Туркистон халқларининг ҳам конкрет тажрибасини чуқур ўрганган ва синчиклаб умумлаштирган эди. Ёш Ульянов диққатини Ўрта Осиёнинг кўп асрлик тарихий ўтмиши, ўзига хос хусусиятлари ва урф-одатлари, ғоят катта тадирилган оғир дамларда халқимизга доҳий ёрдами мадад бўлган. Ильич бу ўлкага шошилинч ёрдам бериш учун катта куч-ғайрат сарфлаган эди. У ҳар куни телеграмма, радиограмма орқали Тошкент билан боғланар, зарур чораларни кўрар эди. «Тошкент ва Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий аҳволи тўғрисида хабар қилинг! Ленин». Бундай радиограммаларни Тошкент деярли ҳар куни қабул қиларди.

В. И. Ленин Туркистонни Ватан пахтачилигининг асосий базаси сифатида роли муқаррар ошиб боришини ҳам олдиндан кўра олган эди. Шунинг учун ҳам граждандлар урушининг ғоят оғир бир шароитида бўлишига қарамасдан чет эл капиталистларидан ғаллани соф олтинга сотиб олаётган бир даврда 1918 йилнинг 17 майида В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистонда суғориш ишлари ва бу ишларни ташкил этиш учун 50 миллион сўм ажратиш тўғрисида»ги Декретни имзолади.

В. И. Ленин бу Декретга табаррук имзосини чекар экан, ажаб эмаски бир кун келиб Мирзачўлнинг номигина унинг ўтмишини эслатса, ўзи эса Мирзагулистонга айланиб кетса деб орзу қилган эди.

У ўлкамизда фақат пахта якка ҳокимлиги эмас, балки пахтачилик меъёрида ривожланиб, боғроғлар кўпайиб, бундан Туркистон халқлари тўла баҳраманд бўлсалар деб орзу қилганди.

В. И. Ленин ўзбек диёрига, унинг одамларига ҳавас қилиб «Қандай бахтли кишиларсизлар, мана март ойида ҳам нон ейсизлар, сизларда мевалар тўкин-сочин!» деган эди. Ленин ташқарига хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқарган мамлакат бой мамлакат бўлади, одамлари эса тўқ яшайдилар деб биларди. Шунинг учун ҳам 1920 йилда Халқ Комиссарлари Совети «Туркистоннинг ўз тўқимачилик-механик ишлаб чиқаришини ташкил этиш» тўғрисидаги қарорни қабул қилгани бежиз эмас. Ленининг ташаббуси билан 1920-22 йиллар мобайнида Фарғона ва Марғилонга пиллакашлик, ипак йигириш ва тўқиш фабрикаларининг асбоб-ускуналари, Бухорога эса қоғоз фабрикаси асбоб-ускуналари юборилди. Ўлкамизда йирик тўқимачилик фабрикалари — «Красний Восток» ва «Заря Востока» фабрикалари қад кўтарди.

Ҳа, улуғ Ленин ўзбек халқи учун фақат эзгуликни орзулар, бу орзуларни рўёбга чиқаришда намуна кўрсатарди. Шаҳримизда 70 йилдан буён кадрлар тайёрлаб бераётган зиё маскани— Тошкент Давлат дорилфунунининг ташкил этилиши ҳам доҳийнинг халқимизга муҳаббати тимсолидир. У меҳнаткаш омма орасида саводсизлик тугатилиб, билимли миллий кадрлар етишиб чиқмас экан, ўлкада фитна-ғаволар, хурофотлар бўлиши мумкину, аммо сиёсат, олға силжиш бўлиши мумкин эмас, деб биларди. В. И. Ленин 1920 йилнинг 7 сентябрида ташкил топган дорилфунун учун ўқув қўлланмалари, китоблар ва энг муҳими ихтиёрийлик асосида ўқитувчи кадрларни танлаб ўзи Туркистонга йўллаган эди. Мана Ленин ишончини оқлаб, орзуларини рўёбга чиқариб келаётган дорилфунун ўзининг 70 йиллик умри мобайнида жумҳуриятимиз халқ хўжалиги, мактаблар, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари учун минглаб мутахассислар тайёрлаб берди, кўзга кўринган олимлар ва педагогларнинг катта бир гуруҳини етиштирди, илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу масканда ҳар йили 40 миллатга мансуб 20 минг талаба таҳсил кўрмоқда. Дорилфунун қаҳрамон ҳам ўзига берилган буюк Ленин номини шараф билан оқламоқда.

Ҳа, барча совет кишилари учун, айниқса ўзбек халқи учун, ҳаётини халқимиз тақдири билан боғлаган Ленин номидан кўра яқинроқ ва азизроқ ном йўқ. Шоир айтганидек:

Дунёни тарозга солмоқ
бўлсанглар —
Ягона Ильичнинг номи улуғвор.
Олимга онг берган муаллим ўзи,
Ғарибга мададкор мўътабар
сўзи.
Бу улкан бир инсон —
Ульянов Ленин,
Бир ўзи бир жаҳон —
Ульянов Ленин!

Г. ЭРГАШХЎЖАЕВА,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг ходими.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

⊙ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишлаб «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё» деб аталган янги кўчма кўргазмани тайёрлади.

КЎРГАЗМА «В. И. Ленин ва инқилобгача бўлган Ўрта Осиё» мавзуси билан бошланган бўлиб, ундаги экспонатлар XIX аср охири ва XX аср бошларида марксизм-ленинизм ғояларининг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳақида ҳикоя қилади. В. И. Ленин Туркистон меҳнаткашларининг озодлик учун бўлган курашига жуда катта аҳамият берган эди. Бу унинг бир қанча мақолалари ва асарларида ўз аксини топган.

Кўргазмага қўйилган материаллар орасида ленинчи «Искра»нинг биринчи сони, РСДРП органи бўлган «Вперёд» ва «Пролетарий» рўзномалари, Туркистондаги сапёрлар қўзғолони таъкидлаб ўтилган, «Армияда ва флотдаги қўзғолон» мақоласини чоп этган «Рабочая газета»нинг 1912 йил 12 (30) август сони ҳам намойиш қилиняпти.

Шу билан бир қаторда В. И. Ленининг машҳур «Апрель тезислари»ни босиб чиқарган «Правда»нинг 1917 йил 7 апрель сони ҳам кўрсатилган.

Кўргазманинг иккинчи қисми Ўрта-Осиёнинг Улуғ Октябрь инқилобидан сўнгги даврда бошланган тақдири ва бунда В. И. Ленининг роли ҳақида фикр юритади.

Экспозицияда В. И. Ленин номи билан боғлиқ бўлган «Ер ҳақида», «Судҳ ҳақида» декретлар, Туркистонда Ленин ғояларини амалга ошириш учун курашган ва Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолонининг фаол иштирокчиларидан О. Бобожонов, С. Қосимхўжаев, ревком раиси В. С. Ляпкин, Бутунроссия Советлари II съезди делегати, Тошкент Совети аъзоси Ф. И. Колесов ва бошқалар ўрин олган.

Қатор ҳужжатлар В. И. Ленининг Туркистон Автоном жумҳуриятини қўллаб-қувватлаши, унинг граждандлар уруши йилларидаги мудофаасига берган ёрдами тўғрисида сўзлайди.

Бир қатор ҳужжатлар Туркистонга В. И. Ленининг иқтисодий ёрдам уюштиришга қаратилган фаолиятини очиб беради.

Ўз навбатида кўргазмада Туркистон халқларининг В. И. Ленинга бўлган чуқур ҳурматини тасвирловчи қатор экспонатлар ҳам намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан В. И. Ленининг васиятлари ҳисобланган сўнгги мақолалари ҳам ўрин олган. «Кооперация ҳақида», «Оз бўлсину, соз бўлсин», «Съездга хат» шулар жумласидандир.



Кўргазма миллий масалада ленинча ғоялар ва ҳозирги давр тўғрисидаги фикрлар билан якунланган. Унда В. И. Ленининг миллий масалага доир асарлари, КПСС Марказий Комитетининг миллий масала тўғрисидаги ҳамда «В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги» тўғрисидаги қарорлари ўрин олган.

Н. СУЛТОНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи совет бўлимининг мудири, тарих фанлари номзоди.
И. ЦОЙ,
катта илмий ходим.



«Пўлат қўрғондай савлатли»

● **Театр саҳнаси ёки кинода Ленин образини яратиш ҳар бир актёрга насиб этавермайди. Ана шундай бахтга мушарраф бўлган санъаткорлардан бири Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг етук актёри, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Зикир Муҳаммаджоновдир. Қутлуғ айём куни мухбиримиз у кишига бир неча савол билан мурожаат қилди.**

— Зикир ака, ўзбек театрида доҳий сиймосини яратиш илк бор қайси санъаткорга насиб этган?

— Бундан ярим аср илгари Ҳамза театрида Ўзбекистон ССР халқ артистлари Николай Ладиғин ва Етим Бобожонов томонидан «Милтиқли киши» пьесаси саҳналаштирилди. Асардаги Ленин образини Ўрта Осиёда биринчи марта Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Саъдихон Табибуллаев яратди. Николай Погодин қаламига мансуб бу асарнинг саҳнага олиб чиқилиши катта воқеа бўлган. Театр жамоасини доҳийнинг ташқи қиёфасини ифодалаш ниҳоятда қийнар эди. Грим ва костюмларни ойлаб қидиришга тўғри келган. Спектаклдан сўнг Саъдихон Табибуллаев шундай деган эди: «Саҳнага Ленин қиёфасида чиққанимда ҳаяжоним ва томошабинларнинг гулдурос қарсаклари сўзимни гапиришга имкон бермасди. Тўғрисини айтганда, ҳаяжондан довдираб қолганман. Доҳий образини яратиш ҳар биримиз учун катта бахт».

— Ўзбек совет адабиётида Ленин ва Шарқ мавзуси алоҳида ўрин тутади. Театр саҳнасида-чи?

— Театримиз репертуари йилдан йилга Ленин номи билан бойиб бораверган. «Кремль соати», «Кураш йиллари», «Учқундан аланга» каби асарлар шулар жумласидандир. Бу спектаклларда доҳий образини СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Шукур Бурхонов ижро этган. У кишининг ижодида айниқса Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз»и муҳим ўрин тутади. Бу пьесада ўша давр учун катта аҳамиятга эга бўлган воқеалар — Шарқдаги чет эл босқинчиларига қарши курашда қурол-аслаҳа етказиб бериш, Тошкентда дорилфунун очиш масаласи ҳамда Мирзачўлни ўзлаштиришга 50 миллион сўм маблағ ажратилиши акс эттирилган. Ленин ўз ҳузурига келган Шарқ вакилларига ўша вақтдаёқ каромат қилиб: «Ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қаранг, бир-бирингиз билан қандай иноқ, тотувсизлар, оға-инилик сизларга жуда ярашиб турибди, сизлар мана шу оға-инилик туфайли бир бирингиз билан битишиб, чатишиб кетиб, пўлат қўрғондай савлат тўкиб турасизлар. Бу қўрғонни буза оладиган куч дунёда бўлмайди», деган эди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ҳамза театри репертуаридан доҳийнинг ўспиринлик йилларига тааллуқли асарлар ҳам ўрин олган. Масалан, «Оила», «Бўрон қуши» спектаклларида Володя Ульянов ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Маҳсум Юсупов ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Рихсибой Авазовлар ижро этишган.

— Сизнинг ижодингизда Лениннома саҳифаси қандай бошланган?

— Пролетариат йўлбошчисининг янги қирраларини очиш мақсадида Михаил Шатровнинг «Олтинчи июль» пьесасини Ҳамза ва Абдулла Тўқай мукофотларининг лауреати Тошхўжа Хўжаев саҳналаштирди. Бу атоқли режиссёрдан шунинг учун ҳам миннатдорманки, мени шу ролга лойиқ топиб, ижодимда Лениннома саҳифасини очиб берди.

Доҳий образини биринчи бор яратар эканман, унинг асарлари, сафдошларининг хотиралари билан яқиндан танишиб чиқдим. Петроградда Ленин ишлаган Смольний кабинетида, Кремлдаги уйи, Халқ Комиссарлари Советининг залларида бўлдим. Доҳий умрининг сўнгги йилларида истиқомат қилган Горки шаҳрига ҳам боришга тўғри келди. Ленин музейларини томоша қилганимда эса унинг кийим-кечаклари, юриш-туриши, ҳатто тақиб юрган чўнтак соатигача эътибор берганман.

— «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» пьесасида Лениннинг ташқи ўхшашлигига эътибор берилмаган...

— Тўғри, Шатровнинг бу асаридаги Ленин образи режиссёр Рустам Ҳамидов томонидан ана шундай яратилган. Мен доҳий сиймосини тайёрлар эдиму, аммо, грим, костюмсиз саҳнага чиқишни ҳазм қилолмас эдим. Халқимиз қандай қабул қиларкин, деб ўйлардим. Спектакль биринчи қўйилган куни томошабинлар озгина эътиборсизлик билан қарагандек бўлишди. Лекин Владимир Ильич фикрлари айтила бошлангач барчанинг эътиборини тортиб олиб, ташқи қиёфаси эсдан чиқиб кетди. Шунда Надежда Константиновна Крупскаянинг: «Владимир Ильичнинг қиёфаси унинг тафаккуридир», деган сўзлари яна бир бор ўз ифодасини топди. Бу асар жумҳуриятимизнинг кўплаб театрларида янгича талқинларга сазовор бўлди. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё областларида намойиш этилганда шу образни яратган актёрлар Абдуқундузов ва Бекжоновлар билан ролни алмашиб ижро этганмиз. Бу ижодий ҳамкорликнинг яққол тимсоли эди.

— «Инқилоб тонги» пьесаси ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бизнинг театримизда инқилобчи раҳбарлардан бири Файзулла Хўжаев образи Комил Яшиннинг мазкур асари орқали саҳналаштирилди. Тарихдан маълумки, Файзулла Хўжаев Ленин билан шахсан учрашган эмас. Аммо ўз фикрларини баён қилган. Биз тарихий маълумотлар асосида уларни хаёлан учраштирдик. Бу талқин режиссёрлар, СССР халқ артисти Олим Хўжаев ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Александр Гинзбург томонидан моҳирона ҳал этилди. Спектакль Октябрь инқилобининг 60 йиллиги муносабати билан Москвада кўрсатилиб, СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги фикримнинг далилидир.

— Зикир ака, доҳий таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан янги асар саҳналаштирилдими?

— Мен 20 йилдан бери Ленин ролини ижро этиб келаяпман. Доҳий ҳақидаги «Кўк дафтар», «Биринчи қабул», «Ленин Польшада» каби кинофильмларда ўзбек тилига ўгирилган вариантларига овоз берганман. Ўтган йили телевидение орқали намойиш этилган «Нон» телеспектаклида ҳам доҳий образини яратдим. Ленин образининг ижрочиси сифатида улуғ айём кунига жумҳуриятимизнинг бирорта театри, ҳатто отахон театр у зот ҳақида асар саҳналаштирмаганидан афсусдаман. Ахир ҳаётимизда янги даврни очиб берган инсонга нисбатан бундай муносабат эътиқодимизни сусайтириб юбормасмикан. Мен доҳийга қилган ишларимни денгиздан томчи деб биламан. У ҳақда кўплаб асарлар яратилса айни муддао бўларди.

Суҳбатни
С. ШОДИЕВ ёзиб олди.

СУРАТДА: В. И. Ленин образида З. Муҳаммаджонов.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

МАЪНАВИЙ ПОКЛИК

⊙ Ҳисобот-сайлов йиғилишининг биргина кун тартибини белгилаб олиш учун салкам бир соат вақт кетди. Ниҳоят, бир тўхтамга келдилар. Кун тартибига аниқлик киритилгач, дорилфунун партия қўмитаси маърузаси бўйича мунозара бошланиб кетди. (Делегатлар конференциягача маъруза билан танишиб улгурган эдилар).

— Шиддатли бир даврда яшамоқдамиз, — деди биринчи бўлиб сўз олган делегат Г. А. Ҳидоятов. — Бу ошкоралик ва қайта қуриш давридир. Бизда ягона сиёсий куч бор. У ҳам бўлса Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир...

У шунингдек, ўзи раҳбарлик қилаётган тарих факультети муаммолари хусусида кенг тўхталди. — Тошкент Давлат дорилфунунининг маънавий муҳитининг янада соғломлашувида партия қўмитасининг катта ўрни бор. Кўпгина масалаларда яқиндан туриб ёрдам қўлини чўзди. Шу маънода парткомнинг ишини қониқарли деб баҳолайман, — деди Г. Ҳидоятов. — Аммо кези келганда шуни айтиш керакки, талабаларимизнинг кўпчилиги КПСС тарихи курсини ўрганишдан бош тортаяптилар. Бунга ким айбдор? Талабага етарли билим бермаётган ўқитувчими ёки дарс мавзусими? Менимча, энг аввало ўқитувчига мустақиллик берилиши зарур. Ана шунда талаба ким, нима ва қандай эканлигини бизга ойдинлаштириб беради. Бу борада партия қўмитаси албатта ёрдам қўлини чўзади, деб ўйлайман...

Дарвоқе, дорилфунуннинг вазифаси жумҳуриятимиз халқ таълими учун ҳар томонлама сиёсий, етук мутахассис тайёрлаши экан, бунга моддий маблағ етмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шунингдек, ўқув хоналари танқислиги ва кутубхоналарнинг хароблигини сўзга чиққан коммунист Н. Орипов куюнчаклик билан гапирди. Ҳатто оддий қоғоз ёки қўлланмаларнинг етишмаслиги катта бир муаммо бўлиб турган бир пайтда ҳозирги замон ўқув жараёни талаб этаётган техника, компьютерлар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Эҳтимол, дорилфунун учун маълум миқдорда валюта ажратиш керакдир, — дейди у. — Энг оқилона йўл ҳам шу бўларди. Имоним комилки, ҳар қанча сарфланган бундай маблағ ўн баробар бўлиб қайтиб келади.

— Қоғозбозлик қон-қонимизга шундай сингиб кетганки, ундан ҳалигача ҳалос бўлолмаяпмиз, — дейди профессор О. Шарафиддинов. — Шу залдаги шиорларни олинг. «Ватан, ҳокимият, социализм — мана нима учун курашмоқ зарур!» Ҳокимият учун партия қўмитамиз курашиши керакми ёки социализм учун курашдими?.. Бундай шиорлар кимга керак?..

Мен аслида оддий таълим тўғрисида гапирмоқчи эдим. Дорилфунунимизнинг 70 йиллигини нишонламоқчимиз. Мана шу 70 йил ичида дорилфунун жумҳуриятимизга нима берди? Ижтимоий фан соҳасидаги бирорта ишимиз четга чиқмадику! Ҳолбуки, бизда олимлар кўп деймиз. Бу даражага нега етмадик? Чунки бизда ижтимоий ишлар иккинчи даража деб қаралади. Илмий ишларимизни олинг. 35 йил давомида бештагина тўплам чиқарилибди. Илмий ишимиз ҳисобот карточкасини чиқаришдан иборат бўлиб қолмоқда. Ўзбек филологияси факультети эса Ленинград Давлат дорилфунуни программасидан кўчирма олиб келади. Энг даҳшатлиси, шундай катта бир илм даргоҳининг кутубхонаси аянчли, фожиали аҳволда. Агар биз чинакам қайта қуришни амалга оширмоқчи бўлсак, ишни энг аввало кутубхонадан бошлайлик.

Кейинги йилларда айниқса жумҳуриятимиз раҳбарияти томонидан дорилфунунга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу сўзга чиқувчи коммунистларнинг нутқида ўз ифодасини топди. Хусусан, У Азизов бу кўрсатилаётган эътибор, қолаверса ёрдам дорилфунун партия қўмитаси томонидан қандай фойдаланилаяпти деган саволни ўртага ташлади.

— Ўз-ўзини бошқариш ҳақида гапирамиз, — деди сўзга чиқувчилардан яна бири Р. Мухторов. — Талаба нимага эга, қандай қилиб у ўзини бошқарсин? Ҳатто ётоқхона масаласи ҳам тўла ҳал этилмаган бўлса?! Менимча, деб таклиф киритади у, — илм-фандан тушадиган даромаднинг ҳаммасини дорилфунун эҳтиёжи учун сарфлаш керак.

Коммунист Саидқулов партияда ишнинг оғирлиги энг аввало бошланғич партия ташкилотлари зиммасига тушишини қайд этди. Унинг фикрича, бошланғич партия ташкилотлари қачонки ўз ўрнида, ўз вазифасини бажарсагина, ишда чинакам силжиш бўлади.

— Маъруза билан танишиб чиқдим, аммо бошланғич партия ташкилотининг ўз ўрнини тўла эгалламаганини кўрдим, — дейди у давом эта туриб. — Масалан, ташкилотимизда 81 нафар коммунист бор. Ташкилий, айниқса қоғозбозлик ишлари жуда кўп. Бирор нарсани машинкада ёзиш учун кафедрадан ёрдам сўраш керак, оқ қоғоз учун эса деканатга югурамиз. Бундай оддий ёрдамни сезмаган бошланғич партия ташкилотида қачон ва қандай ҳам ўзгариш бўлиши мумкин. Шароит деб кўп гапираяпмиз. Биргина тарих факультетида 2 минг талаба учун... 10 та аудитория мўлжалланганида, шароит ҳақида қандай гап бўлсин?!

— Гап дорилфунун партия қўмитасининг фаолияти хусусида кетаётган экан, унинг қандай иш олиб борганлиги, аъзоларининг ўз вазифаларига қай даражада ёндошганлиги ҳар бир коммунист қатори доцент Саидовнинг ҳам эътиборида бўлди. Шу боис ўз сўзида асосий эътиборни шу масалага қаратди.

Дарҳақиқат, дорилфунун партия қўмитаси номига айтилган гаплар орасида коммунистларнинг чинакамига ҳақли талаблари кўп эди. Бу талабларнинг келгусида амалга ошиши ўзлари сайлайдиган партбюро аъзолари ва котибига ҳам боғлиқ. Ниҳоят, йиғилиш муносиб деб топган номзодлардан бир нечтасини партбюро котиблигига танлашди. Ёпиқ овоз билан муқобил ҳолатда ўтган сайловда А. У. Назаров кўп овоз олиб, дорилфунун партия қўмитаси котиблигига сайланди.

Дорилфунун коммунистларининг анжуманида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. Н. Маҳмудова, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Ш. А. Алимов иштирок этдилар.

Ф. ҲУСАНОВА.

Олий ўқув юртларида

ТАЛАБАЛАР ҲИММАТИ

⊙ Талаба-ёшлар учун қайноқ меҳнат палласи ҳисобланган навбатдаги учинчи семестр яқинлашиб келмоқда. Ўзига хос жасорат ва чиниқиш мактаби вазифасини ўтаётган бу меҳнат имтиҳонига Тошкент вилояти талабалар қурилиш отрядлари қизғин тараддуд кўрабошлашди.

Ёшлар турар жой комплексларини бунёд этишга алоҳида эътибор беришга қарор қилинди. Чунки, ғайратли ёшлар бу борада дастлабки маълум тажрибаларни қўлга киритдилар.

Смоленск вилоятидаги Гагарин шаҳрида тикланган бинолар орасида болалар муассасалари ҳам анчагина бўлган эди. Бундай бунёдкорлик ишлари Тошкентда ҳам кенг кўламда олиб борилди. Кейинги уч йил ичида қурилиш отрядлари кучи билан бир нечта болалар шаҳарчалари чирой очди. Пойтахтнинг Юнусобод даҳаси марказида қурилган «Хўрозча» болалар шаҳарчаси ҳам бугунги кунда ўзини кўз-кўз қилмоқда. 9-болалар уйи тарбияланувчиларига армуғон қилинган бино ҳам талабалар кучи билан жадал тикланди.

Орттирилган ана шу иш тажрибасидан келиб чиқиб, вилоят штаби ёшлар турар жойлари қурилиши билан шуғулланаётган кооперативлар билан шартномалар тузиш тадбирларини кўрди. Бундан ташқари Омск вилояти билан ҳамкорлик боғлаш кўзда тутилди. Учинчи меҳнат семестрида бир неча институт талабалари Омскка бориб, бунёдкорлик ишларини олиб бориш истагини билдирдилар. Смоленск вилоятидаги қурилишларда ҳам тошкентлик ёшлар фаол қатнашадилар.

А. АКБАРОВ.

Халқ номзодлари

Сайловчилар манфаатини кўзлаб

49-ЖУКОВСКИЙ сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига бир йўла 6 кишининг номзоди рўйхатга олинган эди. Шу йилнинг 15 апрель куни бўлиб ўтган такрорий сайловларда улардан биронтаси ҳам депутатлик мандати учун етарли овозга эга бўлолмади. Шунинг учун улардан энг кўп овоз олган икки кишининг номзоди 22 апрель куни ўтадиган қайта сайловлар рўйхатига киритилди. Булар В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, 1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси Игорь Георгиевич Волков ҳамда шаҳримиздаги 2-автобус паркининг директори, 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси Владимир Михайлович Липатовлардир.

Сараланган ҳар иккала номзод етарли билим ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар. Сайловчиларнинг кўпчилик овози ҳам шундан далолат бериб турибди.

В. М. Липатовнинг ҳаёт йўли оддий. У Олмаотада туғилган. Ёшлиги эса Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда ўтди. Шу ерда ўрта мактабни битирди. Хўжаликда шофёрлик қилди. Олдин Қўқон автомобиль йўллари техникумини, кейин эса Тошкентдаги автомобиль йўллари институтининг иқтисод факультетини тугатди. Янгийўлда автобаза бош инженери бўлиб ишлади. Ҳозирда эса шаҳримиздаги 2-автопаркнинг директори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Владимир Михайлович ўзининг одамийлик, камтар ва ишчанлик фазилатлари билан жамоа ўртасида обрў қозонди. Шунинг учун ҳам унинг номзоди республика халқ депутатлигига кўрсатилганда ҳамма бир овоздан уни қўллаб-қувватлади.

Номзоднинг дастури ҳам ҳаётийлиги ва кўпроқ сайловчилар манфаатини кўзда тутиши билан ажралиб туради. Унда халқ учун зарур бўлган саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари муаммосидан тортиб, уй-жой, транспорт, атроф-муҳит, меҳр-шафқат масалаларигача қамраб олинган.

М. ОРИПОВ.

Дастурда битилган режалар

ОКТЯБРЬ районидаги 119-сайлов округидан Тошкент шаҳар Совети халқ депутатлигига номзод Суннатулла Аҳмедов ҳақида сўз юритишдан аввал холис бир гапни айтиб қўйишга тўғри келади. Бу округда ҳам ўтган дам олиш куни сайлов бўлиб ўтди. Унда белгиланган тўрт номзоддан энг кўп овоз олган икки киши — Ўзбекистон радиосининг диктори, 1952 йилда туғилган Суннатилла Аҳмедов ва Октябрь район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари, 1953 йилда туғилган Сапарбой Жўбаевлар рўйхати шу йилнинг 22 апрелида бўлиб ўтадиган қайта сайловларга киритилди. Ҳар иккала номзод узоқ йиллардан бери ўз касб-корлари билан халқимизга холис хизмат қилиб келишади. С. Аҳмедов «Маданият» маҳалла комитети раисининг ўринбосари ва радио диктори сифатида халқимиз учун камарбасталик қилиб келаётган бўлса, С. Жўбаев ўзи фаолият кўрсатаётган бирлашмага қарашли уйларда коммунал хизматини намунали йўлга қўйиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Мен сайловолди дастурини ишлаб чиқишдан олдин номзодимни қўллаб-қувватлаган «Марказ—13» мавзеси аҳолиси яшайдиган жойларни кезиб чиқдим. Сайловчилар билан мулоқотда бўлдим. Хонадонларга ташриф буюрдим, — дейди бизга С. Аҳмедов. — Одамлар ўзларини қизиқтирган муаммоларни ўртага ташлашар, уларни тезроқ ҳал этишни илтимос этишарди. Ана шу таклиф ва истаклар асосида ўз режамни тузиб чиқдим.

Хўш, улар нималардан иборат? Озиқ-овқат дастурини тезроқ амалга ошириш, уй-жой танқислигини ҳал этиш, Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантириш, ҳаётдан бевақт кўз юмган байналмилалчи-жангчиларнинг оилаларига ва қарияларга моддий ёрдам бериш, болалик аёллар меҳнатини енгиллаштириш муаммоларини ўз ичига олган.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Советлар мамлакатида

● **АМУРСК. (Хабаровск ўлкаси). КПСС аъзолари — илгари Амурск целлюлоза-картон комбинатида ишлаган пенсионерлар энди партия кассасидан моддий ёрдам оладилар. Партия комитети корхона ветеранлар кенгашининг розилиги билан, йигирма нафар пенсиядаги ногиронга маблағ ажратди. Уларнинг ҳаммасига бир йўла 50 сўмдан нафақа берилди. 500 га яқин коммунисти бўлган комбинат партия ташкилотининг қарори билан энг аввало ёлғиз кишилар ҳамда кексаларга молиявий ёрдам кўрсатилади, чунки имконият ҳозирча чекланган: партком тасарруфида партия бадалларининг атиги 3 фоизи қолади. Бу ерда КПСС XXVIII съездида партия янги Уставининг қабул қилинишига умид боғламоқдалар. Устав лойиҳасида бошланғич ташкилотларнинг эҳтиёжларига тушумларнинг ярмисигача қолдириш назарда тутилган.**

● **ВОРОШИЛОВГРАД. Ворошиловград қишлоқ қурилиш комбинатининг меҳнаткашлари жамоат транспортида юришлари учун энди патта сотиб олишлари шарт эмас. Бутун корхона аҳли транспорт патталари билан таъминланади, унинг ҳақини қишлоқ хўжалик қурилиш комбинати тўлайди. Бу маблағ ижтимоий ривожланиш жамғармасидан ажратилди. Қурилиш комбинати ходимларини овқатлантириш ҳақи ҳам ана шу жамғармадан олинади. Корхона аҳли ўзининг асаларичилик хўжалигидан текинга асал олади. Қурувчилар икки йил илгари бундай имтиёзлар ҳақида орзу ҳам қилолмасдилар — корхона ўз кунини зўрға кўрарди. Энди эса, корхона аҳли меҳнат интизомини мустаҳкамлаган, иш сифатини яхшилаган пайтда қурилиш комбинати даромадли бўлиб қолди.**

● **АШХОБОД. Ашхобод телевидениеси уюштирган сурункали телекўрсатувлар вақтида Туркманистон ССР меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармаси ҳисобига 400 минг сўмдан ортиқ пул тушди. Ушбу эшиттириш қариялар ва болалар уйларида, касалхоналарда ва ногиронлар учун мўлжалланган табобат муассасаларида тасвирга туширилган кино лавҳалардан ташкил топди. Узлуксиз телекўрсатувларнинг чақириғига жавобан жамоат тузилмаларининг аъзолари, корхоналар кўнгилли равишда бадаллар ўтказишди. Узлуксиз телекўрсатув давомида берилган концертда Туркманистон давлат филармониясининг артистлари, болалар бадиий ҳаваскорлик коллективлари, халқ мусиқаси ва қўшиқлари ансамбллари қатнашдилар. Улар шу концертдан оладиган барча хизмат ҳақларини меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармасининг махсус ҳисобига ўтказдилар.**

● **КРАСНОСЛОБ О Д С К. (Мордва АССР). – «Старосиндровский» совхозининг марказий қўрғонида пенсия ёшидаги ёлғиз кишилар учун пансионат очилди. Унга район Қизил Хоч жамияти билан маҳаллий касалхона маъмурияти теварак атрофдаги хўжаликлар ёрдами билан меҳр-мурувват ҳаракати доирасида асос солишди. Пансионат рўзғор ишларини уддалашлари қийин бўлган меҳнат ветеранлари, кексалар учун мўлжалланган. Ҳар бир кишига уй ва озиқ-овқат текинга берилади, зарур маиший шароитлар яратилади, тиббий ёрдам кўрсатилади.**

● **КИЕВ. Электрон қомус Украинадаги шаҳарсозлик ва меъморчиликка тааллуқли ҳар қандай саволга жавоб беради. Бундай қомус меъморчилик ва шаҳарсозлик назарияси Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг Киевдаги филиалида яратилмоқда. Унга асос бўлиб хизмат қилувчи эксперт системалар меъморларга кўпгина амалий вазиятларда ёрдам беради. Ҳозир меъморчилик бўлимининг маълумотлар банки тузиляпти, унга қадимий ёдгорликлар ва замонавий иншоотлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар киритилади.**

(ТАСС).

ҚАЛБЛАР ЧАРОҒОН

Бу Ватан ҳамиша дилбар, фаровон,
Чунки нур манбаи —
Жонажон Ильич!
Ильични ўйласак қалблар чароғон.

Юракда жўш урар ҳарорат, севинч
Сенга ҳам, менга ҳам Ленин яқиндур,
Эзгу режаларда мудом мададкор.
Устоз сиймоси-ла Ватан ёрқиндир,

Устоз сиймоси-ла фаслимиз баҳор.
Зафардан — зафарга чорлар у ҳар зум,
Жисму руҳимизга бағишлар зўр куч.

Ленинча яшашдан ким бўлса маҳрум,
Шаксиз унинг умри бемаъни ва пуч.
Ленин ғоялари тирик ҳар қачон,
Миллион йиллар яшаб, сўниш билмай ҳеч!
Ленинни ўйласак, қалблар чароғон,
Юракда жўш урар ҳарорат, севинч...

Муҳиддин ЖАББОР.

Ленгстон ХЬЮЗ,
Америка шоири.

Сафлардадир ўрнимиз

Рус ўртоғим, қадрдон Ленин,
Жойингмасдур мармар сағана.
Кел, ётайин ўрнингга сенинг,
Сен курашда давом эт яна.
Мен — Иванман, ўша деҳқонман,
Лой чаплашган этигимга боқ.
Тур, мадад бер, йўқса ҳайронман,
Бундан кейин курашай қандоқ!
Рус ўртоғим, қадрдон Ленин,
Тирикдайин ётибсан бунда.
Кел, ётайин ўрнингга сенинг,
Сен бизларни курашга унда.
Мен — Чикоман, саратонларда
Шакарқамиш ўрган, олмай дам.
Ишонч нурин тарата олдинг
Бизнинг қора Африкага ҳам.
Рус ўртоғим, қадрдон Ленин,
Жойингмасдир мармар сағана.
Кел, ётайин ўрнингга сенинг,
Сен курашга чорлайвер яна.

Русчадан
ОТАЕР таржимаси.





⊙ ЖОНДАН ШИРИН ЖАЖЖИЛАР УЧУН. Совет—Италия қўшма корхонаси «Совпластитал» заводининг ўровчи-назоратчиси Муаттар Абророва; лаборатория бошлиғи Лев Кацеленбоген ва назоратчи Филипп Видеман.

Ҳ. Солиҳов суратлари





⊙ ЯНГИЛИК ИХЛОСМАНДЛАРИ. Узнюрар сиповдан ўтмоқда; фазо сирларига қизиқиш.

Р. Альбеков сурат лавҳалари.

Шу куннинг мавзуида

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИН ЖУДА ХАВФЛИ!

⊙ Баҳор фасли кишиларни сайр-саёҳатга чорлади. Кўмкўк сайргоҳлар одам баҳри-дилини очади. Бундай пайтда гулполалар териш билан бирга, қўзиқорин йиғиш ҳам завқли бўлади. Лекин билиб-билмай қўзиқоринсимонларни истеъмол қилиш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Диёримизда қўзиқоридан заҳарланишдек хунук ҳодиса юз берганидан воқиф бўлгач, мухбиримиз Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, жумҳурият Давлат Бош санитария шифокори Т. И. ИСКАНДАРОВГА бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Тўлқин Искандарович, эшитишимизча Қашқадарё вилоятида анча-мунча одамлар қўзиқорин истеъмол қилишиб заҳарланишган эмиш. Жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентда аҳвол қандай!

— Ҳа, шундай кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Қашқадарё область Деҳқонобод районидаги Кўкжар қишлоқ аҳолисидан бир неча киши далаларда униб чиққан қўзиқоринлардан истеъмол қилиб заҳарланган. Масалан, Н. Зокиров ва В. Туробовларнинг ҳар қайсиси оиласидан 5 — 6 бемор касалхонага ётқизилди. Норжамол Хоназарованинг ўн икки яшар қизи Шаҳодат териб келган қўзиқоринларни эрталабки нонуштага қовуришади. Тушдан кейин Н. Хоназарова ўзини лоқас сезади. Боши айланиб, кўзини қоронғилик босиб, қайт қила бошлайди. Нафас олиши қийинлашиб, бутун аъзои-баданини тер босиб аҳволи оғирлашгач, «Тез ёрдам» чақиришган. Аввалига район юқумли хасталиклар шифохонасига, сўнг Н. Хоназарова билан яна етти кишини Тошкентга, жумҳурият токсикология марказига ўтказишга тўғри келди. Шунингдек, Тошкент областидаги далалардан, Тошкент — Олмалиқ магистрали четларидан қўзиқорин териб истеъмол қилишган ва ўзларида заҳарланиш аломатлари бўлган тошкентлик саккиз киши ҳам токсикология марказига ётқизилди.

Токсикология марказида тегишли мутахассислик бўйича тўртта бригада навбатчилиги ташкил этилди. Жумҳуриятимиздаги барча медицина муассасаларига бу масалада ҳушёрликни ошириш юклатилди. Заҳарланган беморларнинг соғлиғини сақлаб қолиш учун шифокорлар барча муолажаларни қўллашяпти. Афсус билан айтамаки, жумҳуриятимизда қўзиқорин истеъмол қилиб заҳарланганлар сони ҳозирга етмишдан ортиб кетди. Аччиқларниси шуки, заҳарланганларнинг 47 таси мактаб ёшидаги болалар. Шифокорларимизнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, икки бемор бола ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

1982 йилнинг серёмғир баҳори ҳам кўпчилик ёдидан чиқмаган бўлса керак. Ўшанда ҳам қўзиқоридан заҳарланганлар икки юздан ошиб, ўттиз бир киши ҳаётдан кўз юмган эди.

— Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг бош сабаби нимада деб ўйлайсиз!

— Бу йилги баҳорнинг серёмғир келиши, ёмғирдан сўнг қуёш тафти ерни қизитиши туфайли турли-туман замбуруғларнинг, жумладан хавфли қўзиқоринлардан ҳисобланган қўнғир тусли липпота, жигар тусли шампиньонларнинг бодраб униб чиқиши сабаб бўлмоқда. Аксарият ҳолларда экинзор, машиналар серқатнов кўчалар бўйларидаги қўзиқоринлар ҳам зарарли бўлади. Бепарволик қилиб, сўраб-суриштирмай, дуч келган қўзиқоринларни истеъмол қилиш юқоридаги каби кўнгилсиз воқеаларга олиб келаётгани ҳаммамизни ачинтиради. Баъзи кишилар эса қўзиқоридан консерва тайёрлаб ёки даладан пала-партиш ҳар хил қўзиқоринларни териб келиб пуллашга ружу қўйишади... Бундай ҳаракатлар ёмон оқибатларга олиб келади. Шуларни назарда тутиб, жумҳуриятимиз ҳудудида ёввойи ҳолда ўсган қўзиқоринларни териш ва сотиш қатъий ман этадиган қарор қабул қилинди.

— Шу қарор ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз. Унинг юқорида кимларнинг зиммасида қандай масъулият ётади!

— Қатъий қарорга кўра, дуч келган жойда ўсган қўзиқоринларни териш ва сотиш тақиқланади. Шунингдек, Узбекистон ССР Савдо министрлиги, «Узбекбирлашув» қишлоқ хўжалиги Давлат кооперацияси ишлаб чиқариш корхоналари ва хўжаликларида ҳамма ширкатчи, пудратчиларнинг қўзиқорин консервалари тайёрлаб сотишлари ҳам ман этилади. Бу қарорнинг бекаму кўст бажарилиши юқоридаги ташкилотлар раҳбарлари зиммасига катта жавобгарлик масъулияти юклайди. Қарорнинг амалда бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш область, шаҳар ва район Давлат бош санитария шифокорлари зиммасида бўлади. Ушбу қарорнинг бузилишига йўл қўювчи кишилар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Суҳбатдош
Тўлқин АШРАФХОНОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

УЗБЕКИСТОН ССР ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ МОДАСИ ВА МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЖУМҲУРИЯТ МАРКАЗИ

қадди-қомати келишган, ташқи қиёфаси кўримли, пластик ҳаракат, артистлик ва кийиниш маданиятини ошириш истагини билдирганларни

МОДАЛАР ТЕАТРИГА

намойиш қилувчи-актёр вазифасига

КОНКУРС АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Конкурсга 18—23 ёшдаги 44-46-размер кийим киядиган, бўйи 170—175 сантиметр бўлган ўзбек миллатига мансуб йигит ва қизлар таклиф қилинадилар.

Конкурс 23 апрель соат 14.00 да марказ кўргазма залида, қуйидаги манзилгоҳда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 25-уй, (7, 8, 9, 10, 11-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг

УҚУВ КОМБИНАТИ

16 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизларни ғишт терувчи, сувоқчи, бўёқчи, кошинкор, плитачи ихтисосларини эгаллаш учун

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙ.

Ойига 102 сўмдан стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР 20 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш тугаганидан сўнг трестнинг тузилмаларидан бирида Тошкентнинг эски шаҳар қисмини қуриш ва таъмирлашда ишлайсиз.

Барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: 700170, Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39 «а» уй.

Телефонлар: 67-97-78, 67-97-97.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тошкент шаҳар П. Ф. Боровский номли медицина билим юртида
16 — 26 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 15.00 ДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

10-синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари, мактабни илгари тамомлаганлар, медицина маълумоти олишни хоҳловчилар таклиф этилади.

Ўқувчилар билим юрти тарихи, кабинетлар ва лабораториялар иши, бўлажак мутахассислиги—медицина ҳамшираси ва фельдшерлик билан танишадилар.

Адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Боровский кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи», 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошкент Совети касалхонаси» бекатлари).

«Узбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

ТОМОШАБИНЛАР ТАЛАБЛАРИГА БИНОАН

3, 4 май соат 19.00 да

«ҲАЗИЛ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўриги ғолиблари:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХУЖАЕВ;

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўриги совриндорлари:
Тўхтамурод АЗИЗОВ, Собит АСОМОВ;

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Зиёда МАДРАҲИМОВА, Одил КАМОЛХУЖАЕВ

Лирик хонанда «КАМОЛОТ-89» кўригининг ғолиби
Шомаҳмуд ШОРАҲМЕДОВ

Раққоса — Муаззам ҒОФУРОВА.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

21 ВА 22 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ДА

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

Ҳ. Ҳ. Ниёзий асари.

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ»

Санд Аҳмад асари.

«ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ»

БОШ РОЛДА: Узбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ЗАЙНАБ САДРИЕВА.

Танаффус вақтида: драма актёрлари — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати ЁДГОР САЪДИЕВ; Тошкент вилоят Ленин комсомоли мукофотининг лауреати САИДА РАМЕТОВА;

артистлар: ШАВКАТ ТОЛИПОВ ва МУНОЖОТ ТЕШАБОЕВАЛАР куйлайди.

СПЕКТАКЛЬ СОАТ 21.00 ДА ТУГАЙДИ.

Билетлар сотилмоқда.

Оммавий буюртмалар қабул қилинади.

Узбекистон ССР Маданият вазирлиги

М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУК ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУКУРОВ

«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.

6 май соат 19.30 да

Раҳматжон ҚУРБОНОВ
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
9, 10 май соат 19.30 да

Узбекистон ССР халқ артисти
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

«Узбекконцерт

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 апрель соат 19.00 да

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

«ТАБАССУМ» РАДИО ЖУРНАЛИ САҲНАДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ҳусан ШАРИПОВ

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиблари ва совриндорлари:

Обид АСОМОВ, Мирза ҲОЛМЕДОВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Ботир МУҲАМЕДХУЖАЕВ;

Бадиий сўз усталари: Абдуҳолиқ МАМАРАСУЛОВ ва Машраб НАЗАРОВ;

лирик хонандалар: Санобар РАҲМОНОВА, Илҳом ЖУРАЕВ, Азим МУЛЛАХОНОВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕРЛАР — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ ва Рустам ҚУРБОНОВ.

Мусиқа муҳаррири — Аҳмаджон РЎЗИЕВ.
Муҳаррир — Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ ВА «УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

23 апрель куни

«ТЕМИР ХОТИН»

ЯНГИ МУСИҚАЛИ КИНОКОМЕДИЯСИНИНГ БИРИНЧИ КЎРСАТУВИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

«УЗБЕКФИЛЬМ» киностудиясининг «ЮЛДУЗ» бирлашмаси маҳсулоти.

Сценарий муаллифлари — Ш. БОШБЕКОВ, И. ТЎЙЧИЕВ.

Постановкачи режиссёр — И. ЭРГАШЕВ.

Бутун умри пахта етиштириш билан ўтган оддий механизатор Қўчқор Холматовнинг турмушида ғаройиб, шу билан бирга нохуш воқеалар содир бўлади. Навбатдаги жанжалдан сўнг хотини уни ташлаб кетади; шаҳардан пахта терадиган янги роботни синовдан ўтказиш учун Олимбой исмли ёш олим келади. Энг қизиғи шундаки, ана шу робот дид ва нафосат талабларидан келиб чиқиб (эҳтимол фақат шунинг учун эмасдир), аёл қиёфасида ясалган бўлади. Робот-аёл пайдо бўлиши билан Қўчқорнинг ҳаётида ҳаёт ҳақидаги, оддий инсоннинг унда тутган ўрни ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилиб юборувчи воқеалар содир бўлади.

Фильмда ўзбек киносининг машҳур актёрлари Дилором Эгамбердиева, Мурод Ражабов, Дилором Қамбарова, Ғани Аъзамов ролларни ижро этишган.

Фильмга мусиқани Ф. Зокиров ва Р. Илёсовлар басталаган.

Биринчи кўрсатув Санъат саройида соат 20.00 да бўлади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-03-84, 44-56-18.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

ФОТОАППАРАТ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Мабодо инсон тафаккури фотоаппаратни ихтиро этмаганда борми, қанчадан-қанча бетакрор ажиб лаҳзалар хотирамиз саҳифаларидан ўчиб кетган бўларди!

Модомики йиллик меҳнат истироҳатига отланаётган экансиз, фотокамерани бирга ола кетиш эсингиздан чиқмасин. Бошловчи фотоҳаваскорларга оддийгина ва қулай ишлайдиган «СМЕНА-СИМВОЛ» ёки «ЛОМО-КОМПАКТ» аппаратларини тавсия этиш мумкин.

«СМЕНА-СИМВОЛ» — экспозиция ўлчамлари ва тимсоллар бўйича суратга олиш масофасини ўрнатиш жўнлаштирилган кичик ҳажмли шкалали фотоаппаратдир.

Объективнинг юқори ечим хусусияти янада катталаштирилиши мумкин бўлган негатив ва диапозитивларни олиш имконини беради. Фотоаппаратнинг тузилишида чақновчи-чироқ билан кабелсиз уланиш кўзда тутилган. Катталаштирилиши 0,6 га тенг суриладиган кузатгичи оддийгина бўлиб, кадрлар сони автоматик равишда саналади.

«ЛОМО-КОМПАКТ» фотоаппаратининг асосий хислати — ихчамлигидадир. Объективи — анчагина юқори ечим хусусиятига эга. Кузатгичи суриладиган. Фотоплёнканинг зарур сезгирлик даражасида фотоаппарат автомат равишда экспозицияни ишлаб чиқади.

Баҳоси — 75 сўм.

«КИЕВ» маркали фотоаппаратлар аъло сифатли оптикаси ва механикаси билан донг таратган. Бу фотоаппаратлар анча «қўли келишиб қолган» ҳаваскорларга боп.

«КИЕВ-60 ТТЛ» экспонометри пентапризма ичига ўрнатилган ўртача катталикдаги фотоаппарат бўлиб, эни 60 мм, перфорацияланмаган фотоплёнка билан тўлдирилади. Бу камеранинг «МС ВОЛНА-3» объективи кўпқатламли ёритиш хоссасига эга.

Объективи байонет билан мустаҳкамланади. Алмашинувчи объективлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Нур равшанлиги — микрорастр, жилосиз юза бўйича белгиланади.



Уйғунлаштирувчи қурилма импульсли чақновчи чироқ ёрдамида суратга тушириш имконини беради. Видержка диапазони — 1/1000—1/2 с «В» (қўлда).

«КИЕВ-88 ТТЛ» фотоаппарати билан бир йўла иккита плёнкага сурат олиш мумкин, чунки у алмаштириладиган иккита кассета билан таъминланган. Бу ярим автомат камера ичига ўрнатилган призмали тузатгичи туфайли ишлатишда жуда қулайдир.

«КИЕВ-88 ТТЛ» ҳаваскорлар учун ҳам, уста сураткашлар учун ҳам тўғри келаверади.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Чипполино** (12.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Мирзо Улуғбек**, 21/IV да **Жар**, 22/IV да **Куёв**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IV да **Гул ва Наврўз**, 22/IV да **Муҳаббат навоси**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Отасининг қизи** (19.00, билетлар сотилган), 21/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00), 22/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00).

КИНО

20 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал (17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (18.30, 21.00).

Восток — «МАККЕНИ ОЛТИНЛАРИ» (18.30, 20.45).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «АТЛАНТИК-СИТИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОРА БОТИНКАЛИ МАЛЛАСОЧ ҚИШИ» (18, 21.00).

21, 22 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (12, 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «АТЛАНТИК-СИТИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОРА БОТИНКАЛИ МАЛЛАСОЧ ҚИШИ» (12, 15, 18, 21.00).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

1-лига командалари ўртасида 53-СССР биринчилиги учун

ФУТБОЛ

20 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МЕТАЛЛУРГ» (Запорожье).

Танаффус пайтида спорт-буюм лотереялари ўйналади. Серия номерлари 52001 дан то 54000 гача.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНЯПТИ.

«Внешэкономсвязь»
(«Ташқи иқтисодий алоқалар»)

КООПЕРАТИВИ

инглиз ва ўзбек тилларини жадал ўрганиш курсларини

ОЧАДИ

Мурожаат қилиш учун масканимиз: Тошкент халқ хўжалиги институтининг бош биноси, 12-қават, 12-07, 12-08 хоналар (Ўзбекистон кўчаси, 49-уй, Кино уйи қаршисида).

Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

«Внешэкономсвязь»

(«Ташқи иқтисодий алоқалар»)

КООПЕРАТИВИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 04221.
Тираж 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.